

**PROBLEMS OF MENTAL DEVELOPMENT AND SOCIALIZATION OF BLIND CHILDREN**

Khalikova Sh. T.

Tashkent University of Applied Sciences, Gavkhar Str. 1,

Tashkent 100149, Uzbekistan 998 99 441 40 94

khalikova1511@gmail.com

**ABSTRACT**

The formation of the personality of children with visual impairments is a complex process. Because in the study of being, the surrounding world, the role of visual perception is incomparable. For this reason, the earlier this category begins to introduce children to social reality, the easier it will be for them to act in the world around them in the future. The phenomenon occurring in the modern world is also a complex process of finding one's place in a rapidly developing social environment. Fundamental changes in socio-political, economic and social life, which are currently taking place in the country, lead to the emergence of new social problems that require fundamentally new approaches to their solution. Among them, the issues of socialization of children with special needs, including children with visual impairments, pose new challenges to teachers, psychologists engaged in training specialists in the field of special education.

**Keywords:** vision, disability, environment, school, typhlopedagogue, social, need, special, movement, physical, mental, education, abilities, limited.

**ЌЎЗИ ОЖИЗ БОЛАЛАРНИНГ АҚЛИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИЖТИМОЙЛАШУВИ  
МУАММОЛАРИ**

Халикова Ш. Т.

Tashkent University of Applied Sciences, Gavkhar Str. 1,

Tashkent 100149, Uzbekistan 998 99 441 40 94

khalikova1511@gmail.com

**АННОТАЦИЯ**

Формирование личности детей с нарушениями зрения - сложный процесс. Потому что при изучении бытия, окружающего мира роль зрительного восприятия в перцепции несравнима. По этой причине, чем раньше эта категория начнет знакомить детей с социальной реальностью, тем легче им будет действовать в окружающем мире в будущем. Явление, происходящее в современном мире, также представляет собой сложный процесс поиска своего места в быстро развивающейся социальной среде. Фундаментальные изменения в общественно - политической, экономической и социальной жизни, которые в настоящее время происходят в стране, приводят к возникновению новых социальных проблем, требующих принципиально новых подходов к их решению. Среди них вопросы социализации детей с особыми потребностями, в том числе детей с нарушениями зрения, ставят новые задачи перед педагогами, психологами, занимающимися подготовкой специалистов в области специального образования.

**Ключевые слова:** зрение, инвалидность, окружающая среда, школа, тифлопедагог, социальный, потребность, особенный, движение, физическое, психическое, воспитание, способности, ограниченный.

Кўриш нуқсонига эга бўлган болалар шахсини шакллантириш мураккаб жараён ҳисобланади. Чунки, борлиқни, атроф оламни ўрганишда, идрок этишда кўриш сезгисининг роли беқиёсдир. Шу сабабли ҳам бу тоифа болаларни ижтимоий воқелик билан таништириш қанчалик тез бошланса, келажакда улар атрофдаги дунёда ҳаракат қилишлари осонроқ бўлади. Замонавий дунёда юз бераётган воқеа ҳодисалар, тезлик билан ривожланаётган ижтимоий муҳитда ўз ўрнини топиш ҳам мураккаб жараён ҳисобланади. Ҳозирги даврда дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини мустақкам эгаллашга астойдил интилаётган юртимиздаги мавжуд ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ҳаётдаги туб ўзгаришлар янги ижтимоий муаммоларнинг пайдо бўлишига олиб келади, бу уларни ҳал қилишда тубдан янги ёндашувларни талаб қилади. Улар орасида алоҳида эҳтиёжли болаларни, шу жумладан кўриш қобилияти чекланган болаларни ижтимоийлаштириш масалалари махсус таълим тарбия билан шуғулланувчи педагоглар, психологлар олдига янги вазифаларни қўяди.

Шуни таъкидлаш керакки, кўриш қобилиятини йўқотиш сабаблари ҳар хил. Умуман олганда, кўриш қобилиятининг бузилиши турли омиллар туфайли юзага келиши мумкин деб айтишимиз мумкин: кўриш органининг ирсий патологиялари, турли хил жароҳатлар, кўриш органларининг айрим касалликлари, гиёҳвандлик ва спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш, атроф-муҳитнинг ноқулай шароитлари шунингдек, кўрлик асосий нуқсон эмас, балки турли хил нуқсонларнинг ҳосиласи бўлган ҳолатлар қайд этилган. Ҳар бир тоифаси ўзига хос хусусиятларга, имкониятларга ва муаммоларга эга. Н. М. Назарова фикрига кўра, боланинг жисмоний ва ақлий ривожланиши визуал нуқсоннинг бошланиш вақтига боғлиқ. Олиб борилган илмий тадқиқотлардан аён бўлдики:

1. Кўриш нуқсонига эга бўлган ўувчилар тафаккури ривожланишида махсус таълим жараёни самарадорлигини ошириш муҳим омиллардан бўлганлиги туфайли ўзаро таъсир ўтказиш уйғунлигига асосланиши лозим (таълим – билиш жараёни такомиллашув тафаккур ривожланиши, ижтимоийлашув).
2. Кўзи ожиз ўқувчилар ўзлаштиришида соғлом анализаторлар ишини фаоллаштириш асосида кўриш сезгисини компенсациялаш, тўғрилашга эътибор бериш, назарий ва амалий билим, кўникма ва малакаларни тизимли равишда таркиб топтириш зарур.
3. Кўриш нуқсонига эга бўлган махсус мактаб тарбияланувчилари тафаккури ривожланиши ҳамда ижтимоийлашуви умумий нормал ривожланиш қонуниятларга бўйсунди.
4. Кўриш нуқсони мавжуд ўқувчилар тафаккури мақсадга йўналганлик хусусиятига эга бўлиб, детерминация, детерминизм, детерминантлар (сабабий боғланиш) аста-секин таркиб топади ва тараққий этади.
5. Заиф кўрувчи ўқувчилар тафаккури ривожланишида қисман қолдиқ кўз нури, сезгилар, атрофдаги воқеа-ҳодисалар билан муносабатга киришадиган билим, тажрибалар асосида фикрлаш жараёни ривожланади ва ижтимоийлашув жараёни амалга ошади.

Собиқ иттифоқ даврида кўзи ожиз болалар руҳий жараёнларини ўрганиш билан шуғулланган бир қатор олимлар, А. И. Зотов, А. Г. Литвак, А.Ф.Самойлов, А.М.Арнаутова, Ю.И.Виноградов ва бошқа тифлопсихолог олимлар томонидан ўзига хос мактаб яратилди. Бу олимлар кўзи ожизлик нуқсонининг инсон идрок, тасаввурларига таъсири, тафаккур жараёнида сезгиларнинг аҳамиятини аниқлаш йўналишида илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Н.С.Костючек кўзи ожиз болалар идроки, нутқи, ижтимоийлашуви ва тафаккурининг ривожланиш жараёнларини ўрганиш устида илмий тадқиқот ишлари олиб бориб, қимматли маълумотларни қўлга киритди.

Бизнинг республикамызда кўзи ожиз болалар муаммоси ва тафаккурининг ривожланиш хусусиятларини ўрганиш муаммоси устида илмий тадқиқот ишлари кам ўрганилган соҳалардан биридир. (Охунов Р, Халикова Ш илмий ишиларидан ташқари)

Ҳозирги вақтда мамлакатда мавжуд бўлган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётдаги туб ўзгаришлар янги ижтимоий муаммоларнинг пайдо бўлишига олиб келади, бу уларни ҳал қилишда тубдан янги ёндашувларни талаб қилади. Улар орасида алоҳида аҳтиёжли болаларни, шу жумладан кўриш қобилияти чекланган болаларни ижтимоийлаштириш масалалари қайд этилган. Шунини таъкидлаш керакки, кўриш қобилиятини йўқотиш сабаблари ҳар хил. Умуман олганда, кўриш қобилиятининг бузилиши турли омиллар туфайли юзага келиши мумкин деб айтишимиз мумкин. Кўриш органининг ирсий патологиялари, турли хил жароҳатлар, кўриш органларининг айрим касалликлари оқибатида зарарланиши, гиёҳвандлик ва спиртли ичимликларни суистеъмол қилиш, психотропик моддалар истеъмол қилиш кабилар. Шунингдек, кўрлик асосий нуқсон эмас, балки турли хил нуқсонларнинг ҳосиласи бўлган ҳолатлар қайд этилган. Ногиронликнинг ҳар бир тоифаси ўзига хос хусусиятларга, имкониятларга ва муаммоларга эга. Н.М.Назарова боланинг жисмоний ва ақлий ривожланиши визуал нуқсоннинг бошланиш вақтига боғлиқ. Кўришнинг йўқолиши болаларда ҳиссий – ихтиёрый соҳанинг хусусиятларини, ҳиссий тажриба ва характерни шакллантиради. Улар ўйин фаолиятида, ўқитишда, касбий фаолиятни ўзлаштиришда қийинчиликларга дуч келишади. Шунингдек, кўриш қобилияти бузилган болалар жамиятга киришда қийинчиликларга дуч келишади. Улар учун бошқа одамлар билан мулоқот қилиш, ижтимоий муҳитда ўзин намоён қилиш, амалий кўникмаларни ўрганишда қийинчиликларга дуч келишади. В. Гаюи тифлопедагогика ва кўриш қобилияти бузилган одамларни ўқитишнинг асосчиси ҳисобланади. В. Гаюи туфайли нафақат кўриш қобилияти бузилган одамларни мунтазам равишда ўқитиш бошланди, балки уларга таълим ва ижтимоиймеҳнат реабилитациясига муҳтож бўлган жамиятнинг тўлақонли аъзолари сифатида гуманистик муносабат шаклланганлиги бу категориядаги болалар ҳаётида муҳим бурилишларга сабаб бўлди десак, муболаға бўлмайди. Париж миллий кўрлар институти тифлопедагоги Луи Брайль, кўрларни ўқитиш тизимини ўзгартирган ихтиронинг муаллифи бўлди. Олти нуқта комбинациясига асосланиб, унинг рельеф ёзиш тизими ҳарф, математик ва бошқа белгиларни қамраб олади, бу эса кўзи ожизларга эркин ёзиш ва ўқиш имкониятини беради. {1,238-бет}. Биз республикамызда фаолият олиб бораётган махсус кўзи ожиз болалар мактаб- интернатларида олиб борилган ўз илмий



тадқиқотимиз жараёнида бу ихтиронинг нақадар муҳим эканлигини кўриш имкониятига эга бўлдик. Тифлопсихология тарихига назар соладиган бўлсак кўзи ожизлар учун биринчи ўқув муассасаси 1807 йилда ташкил этилган. Кейинчалик кўзи ожизлар учун яна бир нечта мактаблар очилди, улар кўзи ожизлар учун ҳомийлик маблағлари ҳисобига ташкил этилган эди.

М. И. Земцова, Б. И. Коваленко, Н. Б. Крачковская, Н. В. Солнцева, А. Г. Литвак, В. П. Гордин, Р. С. Сермеев, В. Л. Стернина, И. С. Моргулис ва бошқалар томонидан кўриш қобилияти бузилган болаларни ижтимоийлаштириш муаммоларининг хусусиятларини тўлиқ акс эттиради.

Тифлопсихологияда ижтимоийлашув деганда шахс ва гуруҳ ўртасидаги муносабатларни оптималлаштириш, уларнинг фаолияти мақсад ва вазифаларини, қиймат йўналишларини яқинлаштириш, шахснинг меъёрларни ўзлаштириши тушунилади. Ратнер Ф. Л. таъкидлаганидек, кўриш қобилияти бузилган болаларни ижтимоийлаштириш учта асосий йўналишда амалга оширилади:

А) кўриш қобилияти бузилган болаларнинг шахслараро муносабатлар тизимида атрофдаги одамлар билан самарали мулоқот қилиш қобилиятини ошириш,

Б) кўриш қобилияти бузилган болаларнинг қундалик ва ижтимоий тажрибасини кенгайтириш. Шунинг учун, ушбу йўналишда иложи борича ўқув жараёнини ҳозирги, ҳаёт шароитларига яқинлаштириш тавсия этилади, масалан, ҳаётий вазиятларни моделлаштириш мумкин.

Кўриш патологияси бўлган болаларни ўқитишда уларни интенсив амалий фаолият жараёнига киритиш тавсия этилади. Об'ектив ҳаракатларни ўзлаштириш катталар билан ҳиссий ва ишбилармонлик алоқалари учун шароит яратишда энг самарали бўлади.

В) Кўриш қобилияти бузилган болаларда ўзини ва унинг ижтимоий аҳамиятини, унинг атрофидаги одамларни муваффақиятли ижтимоий ва меҳнатга мослашиш учун етарли даражада идрок этишни ривожлантириш [2, 28-бет].

Кўриш қобилиятининг бузилиши билан болаларни ижтимоийлаштириш жараёни таълим ва тарбия соҳасидаги асосий муаммоларни ҳал қилишни ўзичига олиши муҳим аҳамиятга эга, масалан: мустақил ҳаётга тайёргарлик,

унинг шахсияти ва шахслараро мулоқотини ривожлантириш, касбий тайёргарлигига эътибор қаратиш. муассасаларда кўриш қобилияти чекланган болаларни тарбиялаш ва ўқитиш жараёни уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига ёрдам беради. Кўзи ожиз болалар нормал ривожланаётган болалар жамиятида ижтимоийлашиш имкониятига эга бўлишлари учун улар кўриш қобилиятига эга бўлмаган болалар каби ижтимоий-маиший йўналтириш кўникмаларини эгаллашлари керак: атрофдаги воқеликни бошқариш имкониятига эга бўлиш,

ўз-ўзига хизмат кўрсатиш кўникмаларига эга бўлиш ва мустақил бўлиш,

меҳнат мажбуриятларини мустақил бажаришга интилиш,

катталар ва тенгдошлар билан ўзаро муносабатларга киришиш

хилма хиллик ҳақида аниқ фикрларга эга бўлиш, виждонлилик ва ҳалоллик [3, 8-бет].

Махсус таълим тарбияга муҳтож болалар шахсини ривожлантириш, ижтимоийлаштириш учун оила алоҳида аҳамиятга эга. Яқинларининг ғамхўрлиги, севгиси ва қўллаб-қувватлаши ногирон болаларнинг ҳар томонлама камол топишида муҳим аҳамият касб

этади . Шу билан бирга, оилада кўриш қобилияти бузилган болани тарбиялаш ва ўқитиш ота-оналардан боланинг ривожланиш хусусиятларини, асосий нуқсоннинг восита, таълим, ижтимоий ва ақлий қобилиятларни шакллантиришга таъсирининг моҳиятини билишни талаб қилишига алоҳида эътибор берилади. Кўриш нуқсонига эга махсус мактаб тарбияланувчиларининг умумий тараққиёти, фаолиятини чуқур илмий таҳлил қилиш, уларда амалий кўникма малакаларни шакллантириш ижобий самаралар беради ва ижтимоийлашув жараёнининг тезлиги , сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

**Кўзи тўлиқ ожиз ва заиф кўрувчи, соғлом ўқувчиларнинг умумлаштириш юзасидан ўтказилган тадқиқотлар натижалари.**

2.2.- жадвал

Г\ р	Тоифалар	t. с.	ўғил	қиз
1	Кўзи тўлиқ ожизлар	22,19	18,07	32
2	Заиф кўрувчилар	14,4	13,9	14,83
3	Соғломлар	7,2	6,54	7,77

Кўзи тўлиқ ожиз ва кўриш анализаторлари соғлом ўқувчиларни умумлаштириш юзасидан “Тўртинчиси ортиқча” усули асосида ўтказилган тажриба натижалари қуйидагича:  $r_{U_1, U_3} = 0,99$

Демак, кўзи тўлиқ ожиз ва соғлом контингентлар орасида умумлаштиришк ўрсаткичлари бўйича кучли (деярли чизиқли) мусбат боғлиқлик мавжуддир.

Кўзи тўлиқ ожиз ўқувчиларни математика машғулотида геометрик фигураларни фарқлашга, умумлаштиришга, уларда илмий тушунчаларни ҳосил қилишга ўргатиб борилади. Уларда илмий тушунчани ҳосил қилиш учун нарсаларнинг белгиларига эътибор билан ёндашишга ўргатиш лозим. Маълумки, кўзи ожиз боланинг ақлий ривожланиш белгиларидан бири билим олиш бўлиб, билим олишнинг усулларида бири – ёдлашдир. Бу усул кўзи ожиз ўқувчилар учун катта аҳамиятга эга. Кўзи ожизларнинг билим олиш усулларида беҳабар одамлар кўпинча “Кўзи ожиз болалар ўтақобилиятли бўладилар, кўп нарсаларни ёддан биладилар” деб ўйлайдилар. Бу нотўғри тушунчадир, чунки қобилиятли, лекин ҳақиқий илмий тушунчаларни ўзлаштира олмайдиган субъектларни учратиш мумкин. Бундай кўзи ожиз ўқувчилар дарсларда ўтилган мавзунинг ёддан билсалар ҳам, уни тўғри, тўлиқ тушунтириб бера олмайдилар. Билимларни ўзлаштириш жараёнида билиш фаолиятининг усуллари ўргатиш кўзи ожиз болалар учун муҳимдир. Кўзи ожиз шахт ўртбурчак, учбурчак, доира, квадрат ва бошқа геометрик фигураларни шаклига, муҳим белгиларига қараб умумлаштириш учун аввало, шаклларни бармоқлари ёрдамида сезишга эътиборини суянган ҳолда, мавжуд билимларини ишга солиб, ўрганади. Кейин эса шаклнинг муҳим белгиларини тўртбурчакнинг 4 та томони, квадратнинг ҳам 4 томони мавжудлиги, бу томонлар ҳаммаси бир хил, тенглиги, тўғри тўртбурчак ва бошқалар, уларнинг кетма-кетлигига қараб таққослайди, умумлаштиради. Тифлографик асбоб ёрдамида ўзи геометрик шаклларни

чизиб, унинг ясалиш усуллари билан танишади. Шундагина унда геометрик шакллар ҳақида тасаввур ва тушунчалар ҳосил бўлади. Математика дарсларининг кўзи ожиз бола учун қизиқарли, тушунарли бўлиши учун, уни тифлографик асбобдан тўғри фойдаланишга ўргатиш муҳимдир. Фазо ва маконда учрайдиган буюмларнинг шакли ҳақида тушунча, тасаввурларни ҳосил қилиш улар ҳақида фикр юритиш фаолиятида жуда муҳимдир. Кўзи тўлиқ ожиз болалар тўртбурчак ва доирани, учбурчакни тез ажратиб оладилар, “доиранинг шакли нонга ўхшайди, чилдирмага ўхшайди”, “тўртбурчак китобга, столга ўхшайди” каби кўрсатмаларни кўплаб таъкидлайдилар. Цилиндр, пирамида, куб шаклларининг умумий, ўхшаш томонларини топиш, таққослаш кўзи ожиз боладан жиддий фикр юритишни талаб этади. Бунда анча мураккаб руҳий жараён содир бўлади, бу жараён ундан хотира, диққат, идрок, нутқ, тактил сезгилардан унумли фойдаланишни тақозоқилади. Ўтказилган илмий-тадқиқотларимиз жараёнида бу фаолият яққолкўзга ташланди. Агар заиф кўрувчи ўувчи 13,4 сония вақт сарфлаб умумлаштирган бўлса, кўзи тўлиқ ожиз контингент бу вазифани бажариш учун 25,21 сония вақт сарфлади.

Заиф кўрувчи ўқувчилар сақланиб қолган кўз нури, тактил сезгилар ёрдамида геометрик шаклларнинг муҳим белги ва хоссаларини ажратиб, умумлаштириш вазифасини амалга оширдилар. Заиф кўрувчилар геометрик шакллар ҳақида мавжуд бўлган билимлар, тушунча, тасаввурлар ёрдамида бу жараёни нисбатан қисқа вақтда бажаришга муваффақ бўлдилар. Кичик мактаб ёшидаги мактаб ўқувчиларини нарсаларнинг муҳим белгиларига қараб ажратишга бирданга ўргатиб бўлмайди. Чунки улар аввало нарсаларнинг ташқи белгиларини идрок қиладилар, бу белгилар эса ҳамма вақт ҳам муҳим бўлавермайди. Белгиларнинг ўрнини алмаштириб юбориш, муҳим белгиларни муҳим бўлмаган белгилар билан ёнма-ён қўйиш ва бошқа сабаблар билан нотўғри умумлаштиришлари ҳам мумкин.

Кўзи тўлиқ ожиз ва заиф кўрувчи ўқувчилар билан уларда мавжуд бўлган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда таълим-тарбия жараёни ташкил этилса, тафаккур фаолиятига кўзи ожизлик тўлиқ монелик қила олмайди. Кўзи ожиз боланинг ёш ва яққа хусусиятлари, унинг шахсий руҳий ривожланиши кўриш нуқсонига тўлиқ боғлиқ эмас. Бунда ногирон бола яшаётган муҳит, атрофдагиларнинг унга нисбатан муносабати, таълим-тарбия жараёнини унинг мавжуд имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилишига ҳам бевосита боғлиқдир. Санкт-Петербурглик психологлар Н.Г.Цветков, В.П.Морошкин, А.Ф.Самойлов ва бошқалар олиб борган илмий-тадқиқотлар ҳамфикримизга далил бўла олади.

Бу ўтказилган тадқиқот муаллифлари кўзи тўлиқ ожиз ва заиф кўрувчи ўқувчилар ақлий фаолияти, тушунчаси, идрокларининг нисбатан анча орқада қолишини, лекин таълим-тарбия жараёнида бу камчиликлар бартараф этилиши мумкинлигини исботлади.

Геометрик фигураларни умумлаштириш фаолиятида боланинг руҳий сифатлари ишнинг у ёки бу даражадаги ривожланиш босқичларини умумлаштиришнинг тезлиги, сифати, самарадорлигига таъсир кўрсатишини кўриш мумкин.



Геометрик шаклларни ҳажмига, катта-кичиклигига қараб, муҳим белгиларига асосланган ҳолда умумлаштириш юзасидан олиб борилган илмий тадқиқот натижалари.

3- жадвал

Тоифалар	t. с.	ўғил	қиз
Кўзитўлиқожизлар	25,21	23,1	28,7
Заифкўрувчилар	13,4	12,4	15
Соғломлар	7,14	7,54	7,88

Ўтказилган ушбу тадқиқотлар жараёнида ҳам яққол кўзга ташланадиги, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар (2-синф) таълим жараёнида анчагина илмий тушунчаларни ўзлаштирсалар ҳам дарсларда ўзлаштирилган белгилар, хусусиятларни чалкаштириб юборадилар, чунки бу ёшдагиларда нарса ва ҳодисалар орасидаги узвий боғланишлар таркиб топмаган бўлади. Психолог олим Э.Ғозиев илмий – тадқиқотларида бу фикр кўрсатиб ўтилган. Заиф кўрувчи ва кўриш аъзоси соғлом бўлган ўқувчиларда геометрик шаклларни ҳажмига, катта-кичиклигига, муҳим белгиларига асосан умумлаштириш юзасидан олиб борилган тажриба натижаларини математик статистик усуллар билан таҳлил этганимизда ижобий натижалар қайд этилди. Демак, заиф кўрувчилар ва соғлом ўқувчилар орасида геометрик шаклларни умумлаштириш кўрсаткичлари орасида кучли манфий боғлиқлик мавжуддир. Хулоса ўрнида шунни айтиш мумкинки, мамлакатимизда кўзи ожиз ногиронларга ғамхўрлик қилиш, уларнинг ижтимоийлашуви масалаларига катта эътибор қаратилган. Кўриш нуқсонига эга ёшларнинг таълим – тарбия олишлари учун яратилаётган шароитлар, ижтимоий ғамхўрлик йўлида амалга оширилаётган тадбирлар диққатга сазовордир.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Виноградов Ю.И. Влияние зрительной нагрузки на устойчивость ясного видения школьников с остаточным зрением. В сб.: Психологические особенности слепых и слабовидящих школьников. - Ленинград, 1981, {1,238-с.
2. Волкова Л.С. Результаты экспериментального изучения нарушений устной речи у детей с глубокими дефектами зрения. Дефектология, 1982, № 3, с.14-15.
3. Вопросы психологии личности. Сборник науч.трудов - Тошкент, 1979, ТГПИ им.Низами.
4. Выготский Л.С. Педагогическая психология. -Москва, “Педагогика”, 1991. [3, 8с]..
5. Выготский Л.С. Основы дефектологии. Собрание сочинений. Том-5, -Москва, “Педагогика”, 1983. [2, 28-с]..
6. Выготский Л.С. Основы дефектологии. Собрание сочинений. Том-5, -Москва, “Педагогика”, 1983. -312.С.
7. Мамедов К.К. Бердиев Г.Ж., Халикова Ш.Т. Махсус психология. Тифлопсихология. III-қисм, Тошкент, 2002. -32-б.
8. Тарханова Ю.С. Коррекция зрения у детей. -Москва, 2000, “Феникс”. –220 с.

9. Самойлов А.Ф. Развитие произвольности оперирования представлениями у слепых младших школьников с нормальным и нарушенным интеллектом. В.сб.: Особенности познавательной деятельности слепых и слабовидящих школьников. Вып.№5. - Ленинград, 1975, -15 с].
10. Ғозиев Э.Ғ. Тафаккурпсихологияси. -Тошкент, “Ўқитувчи”, 1990. -90 б.
11. Ғозиев Э.Ғ. Психология. -Тошкент, “Ўқитувчи”, 1994. -224 б.
12. Ғозиев Э.Ғ. Психология муаммолари. -Тошкент, Университет, 1999. -132 б.
13. Якиманская И.С. Развитие пространственного мышления школьников. -Москва, 1980. – 86 с.